ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

9 июль, пайшанба 1998 йил №80 (582)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2 УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИМИЗДАН БИРИ

3 БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМАНГ!

4 ШВЕЦИЯ МОДЕЛИ

Президентнинг Самарқанд вилоятига сафари

8 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Самарақанд аэропортида давлатимиз раҳбарини вилоят ҳокими А.Мардиев кутиб олиб, вилоят ғаллакорларининг дон топшириш бўйича давлат буюртмасини бажарганлиги тўғрисидаги ғалаба рапортини юртбошимизга топширди.

Мамлакатимиз раҳбари дастлаб Челак тумани Хартанг қишлоғидаги Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Бу йил мамлакатимизда буюк муҳаддис таваллудининг 1225 йиллиги нишонланиши муносабати билан табаррук қадамжода аллома мақбараси, масжид, дунёнинг барча бурчакларидан келадиган зиёратчиларга мўлжалланган бошқа иншоотлар жадал суратларда қурилмоқда.

Ислом Каримов зиёратгоҳни кўздан кечирар экан, юбилей тантаналари бутун жаҳонга юртимизда миллий қадриятлар тикланаётганлигини, аждодларимизнинг бебаҳо мероси эъзозланаётганлигини намойиш этиши зарурлигини, бунга қурилиш давомида алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлади. Президент қурувчи, лойиҳачи, меъмор ва усталар билан суҳбатлашди, уларга бу ишларда миллий меъморчилигимиз анъаналарига кўпроқ таяниш, биноларга қадимийлик руҳини сингдириш зарурлигини уқтирди.

Сўнгра, йўлбошчимиз жойларда иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани билан танишиш мақсадида Челак, Жомбой ва Тойлоқ туманларида бўлди. Челак туманидаги «Маниобод», Жомбой туманидаги «Ҳақиқат», Тойлоқ туманидаги «Улуғбек» жамоа хўжаликларида пахта ва ғалла етиштиришда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Деҳқонлар ва мутахассислар билан суҳбат давомида юртбошимиз пахтачилик ва ғаллачиликда уруғчилик масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон-Ирландия «Элита» қўшма корхонасининг илмий тажриба майдонида буғдой ва арпанинг янги навларини етиштириш борасида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Бугунги кунда бу ерда мингга яқин нав устида тажриба олиб борилиб, Ўзбекистон шароитига мос самарали уруғ навларини яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, Самарқанд азалдан ўзининг тарихий меъморлик обидалари, нодир ва бетакрор ёдгорликлари билан дунёга донг таратган. Шаҳарга қадам ранжида қилган ҳар бир меҳмон, деди Президент, бу ерда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрсин, сезсин. Ислом Каримов шаҳар қурилишининг янги бош лойиҳасини кўздан кечирар экан, барпо этилажак иншоотлар ягона сайёҳлик мажмуини ташкил этиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Президент Ислом Каримовнинг Самарқанд сафарида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И.Жўрабеков, Президентнинг Матбуот котиби А.Зиёев ҳамроҳлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Тошкентга қайтиб келди.

/ЎзА/

Меҳнат маҳсули — самарали ижтимоий ҳимоя

ҚЎНҒИРОТ УЗУМЛАРИ

ЁХУД БАҚАМТИ ТАРАҚҚИЁТГА ИНТИЛАЁТГАНЛАР

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш, иқтисодий бўҳронлардан имкон қадар қийинчиликларсиз олиб ўтиш мамлакатимииз сиёсатининг устивор йўналиши ҳисобланади. Нега деганда, ҳозирда юртимизнинг ҳар бир гўшасида иқтисодий томондан муҳофазага муҳтож инсонлар бор. Аммо давлатнинг бу каби қўллаб-қувватлашига кўз тикиб ўтирмасдан, ўз фаровонлигини ўз қўллари билан яратаётган ҳамюртларимиз ҳам бисёр. Андижон вилояти Асака туманидаги Қўнғирот қишлоғи аҳли шундай меҳнат қилишаяпти. Ушбу қишлоқ аҳлининг миришкорлигию узум етиштириш борасидаги усталиклари ҳақида эҳтимол ортиқча таъриф-тавсифларга ҳожат йўқдир. Чунки Қўнғирот узумларининг шуҳрати вилоятдагина эмас, юртимизнинг бошқа гўшаларида ҳам маълум ва машҳур. Аммо ҳарқалай, ҳикоямиз тўкис бўлгани маъқул...

Маълумки, қадимдан айни бир ҳудудда яшаган аҳоли деҳқончиликнинг муайян тури билан шуғулланиб келган. Бу — ўзига хос меҳнат тақсимоти ёхуд чинакам бозор иқтисодиётининг табиий кўринишидир. Худди шу каби Қўнғирот қишлоғида ҳам азалдан айнан сархил узумлар етиштириш урф бўлган. Албатта, Қўнғирот аҳли деҳқончиликнинг бошқа соҳаларидан ҳам бегона эмас, аммо бу ерда асосан узумчиликка ихтисослашилган. Бу борада кўплаб йиллар даво мида тўпланган тажриба қзига хос узумчилик мактабига айланди.

Қўнғирот асосий кўчаси бўйидаги узумлар ҳосилга кириб, ғарқ пишган маҳаллар бу ерга келган ҳар бир меҳмоннинг кўнглидан миришкор аҳолига нисбатан илиқ фикрлар ўтса, ажаб эмас. Шундай, қишлоқдошлар ички ҳовлиларинигина эмас, балки кўча ёқаларинида бир вақтнинг ўзида ҳам даромад манбаи, ҳам кўркам масканга айлантирганлар. Нафсиламрини айтганда, ширин-шакар узум етиштириш бошқа уни келгуси йил кўкламига қадар уринтирмасдан сақлай олиш бошқа. Миришкорлар айни шу ишнинг ҳам ҳадисини олганлар. Яъни ҳўл меванинг бозори чаққон бўлган қиш-қировли кунларда сақлаб қўйилган узумлар дурустгина нархларда сотилиб, яхшигина даромад келтиради. Айтишларича, бундан ҳар бир хонадонга 300 минг сўмдан 500 минг сўмгача даромад кириб келади. Бу эса битта рўзғорни келгуси пишиқчиликка қадар таъминлаш учун етарлидир.

Биргина бу эмас. Қўнғиротликлар ўз хўжаликлари -«Наврўз» жамоа хўжалиги иқтисодиётини юксалтиришга ҳам астойдил ҳисса қўшиб келишади. Экин майдонлари анча мўъжазроқ бўлган бу хўжалик асосий соҳалар бўйича туманда етакчи ўринларни эгаллаб келади. Ўтган йили ҳам пахта (гектаридан 35,7 центнер), буғдой (79,6 центнердан) етиштиришда яхши кўрсаткичларга эришилди. Даромадлар ҳам шунга яраша бўлди, яъни барча соҳалар бўйича 46 миллион сўмдан зиёд фойда олинди.

Хўжалик бошқаруви раиси Абдужаббор Матёқубовнинг айтишича, гарчи Қўнғирот аҳли ўз тадбиркорлари боис кучли ижтимоий муҳофазага у қадар муҳтож бўлмасаларда, касаба уюшма қўмитаси билан тузилган жамоа шартномаси шартларига амал қилинмоқда. Бошқача айтганда, хўжалик даромадларининг маълум қисми хўжалик аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш, уларга муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари яратишга сарфланяпти. Масалан, хўжаликнинг 3 та бригадасида барча қулайликларга эга бўлган янги дала шийпони қуриб битказилди. Бир қанча илғор пахтакорлар турли санаторийларда ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тиклашди, ҳамда муқаддас қадамжоларни зиёрат этиб қайтдилар.

Шу кунларда деҳқончиликнинг чилги ҳосили-пиллани териб олишга ҳозирлик кўрилмоқда. Режа-21 тонна. Бу режа уддаланишига эса хўжаликда хеч ким шубҳа қилмайди. Чунки ҳар бир соҳани бақамти тараққий эттириш хўжалик учун ҳам, бу ерда яшаб меҳнат қилаётган ҳар бир инсон учун ҳам ян-

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

КОФИ АННАН ХАВОТИРДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан Сербиянинг Косово можаросидан жиддий хавотирга тушаётганини маълум қилди. Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида берган баёнотига кўра, Косово муаммоси Европанинг бошқа давлатларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

АНГОЛАДА МОЖАРО

Африкадаги Ангола давлатида ҳукумат қўшинлари билан мухолифатдаги «Унита» гуруҳи жангариллари ўртасида қуролли тўқнашувлар содир бўлмоқда. Тўқнашувлар «Унита» жангарилари томонидан 14 нафар полициячи ўлдирилганидан кейин бошланиб кетди.

МУРОСАСИЗЛИК

Россиянинг Кемерово ўлкасида кўмир кончиларининг иш ташлаши давом этмоқда. Улар Россия Бош вазирининг ўринбосари Олге Сисуев билан учрашганларидан кейингина магистрални очиб юборишларини маълум қилганлар. Ўз навбатида, Бош вазир ўринбосари кўмирчилар магистрални очиб юборганларидан кейингина улар билан музокара олиб боришини айтди.

БМТ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарияти Россияда тобора авж олиб бораётган молиявий танглик Шарқий ва Марказий Европа давлатлари молиясига ҳам салбий таъсир кўрстаиши мумкин деб огоҳлантирди.

БОШ ВАЗИР ЙЎЛ ЎАЛОКАТИГА УЧРАДИ

Туркия Бош вазири Месут Йилмаз Македонияга сафари чоғида йўл ҳалокатига учради. Македония пойтахти Скоплега олиб борувчи йўлда Туркия расмий делагацияси автомобиль карвонига икки нафар македониялик ўтирган енгил автомашина урилиб кетган. Оқибатда македонияликлар ҳалок бўлишган, Туркия томонидан эса бир вазир яраланган. Бош вазир Месут Йилмаз ҳеч қандай тан жароҳати олмаган.

ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ ЙЎЛИДА

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Шимиолий Ирландиядаги протестантлар вакиллари билан учрашди. Тони Блэр ольгстерликлар томонидан ўтказилган намойишлар ва бу намойишларнинг мақсади ҳақида фикр алмашди. Буюк Британия Бош вазирининг баёнот беришича, Ольгстерда тинчлик ўрнатиш йўлида намойишлар ҳеч қандай наф бермайди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

Яқин-яқингача тоғ конметаллургия корхоналарининг бойитиш фабрикаларида маъданларни қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган ускуна ва жиҳозлар, турли қайта ишлар ашёлари кимёвий аралашмаларнинг деярли ҳаммаси четдан валютага олиб келинарди. Соҳа мутахассислари кейинги вақтда ана шу сарф-ҳаражатларни камайтириш мақсадида имкон қадар олиб келинаётган маҳсулотларни ёки хомашёларни ўзимизда тайёрлашга эришиш йўлида изланмоқдалар. бу борада Бекабод металлургия жамоасининг саъй-харакатлари самарали бўляпти. Улар бундан бир ярим йил илгари маъданларни қайта ишлаш жараёнида, маъданларни майдалаб берувчи улкан тегирмонларда ишлатиладиган пўлат золдрларнинг дастлабки туркуми-80 диаметрлисини ишлаб чиқаришган эди. Ўтган йили пўлат золдрларнинг айланма ҳажми 104 миллиметрлиси ҳам тайёрланди. Агар диаметри 100 миллиметр бўлган уч хил золдр ишлаб чиқилса, Республикамизда бир йилда 28 миллиондан зиёд доллар тежаб қолинар экан.

Ҳақиқатан ҳам, пўлат золдрларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши кончилар ишини анча енгиллаштирди. Ушбу маҳсулотни четдан олиб келиш, унга тўланадиган сарф-ҳаражатлар камайтирилиб, Республикамизнинг катта миқдордаги валюта жавмғармаси сақлаб қолинди. Айни вақтда тоғ кон-металлургия корхоналари ва цемент заводларида пўлат золдрларнинг каттароқ ҳажмдаги, диаметри 120 миллиметрлигига талаб катта. Айнан, бекабодлик металлургларга 120 миллиметрли пўлат золдр ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги энг сўнгги тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Ҳисоб-китобларга қараганда 120 миллиметрли пўлат золдрларнинг Бекабодда тайёрланиши йилига яна камида 35 миллион долларлик маблағни тежаб қолиш имконини берад

Д.ЮСУПОВ.

Жиззах шаҳридаги Мир Улуғбек хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси «Саломатлик ва гўзаллик» марказини фойдаланишга топширди. Марказдан турли хизмат шаҳобчалари ўрин олган. Чунончи тиш даволаш поликлиникаси, сауна, сартарошхона тикувчилик цехи, дорихона, суратхона элга хизмат кўрсатмоқда.

Суратларда: Марказ тикувчиси Феруза Мансурова, Жамоатчилик ва гўзаллик Марказининг кўринниши.

Бахтиёр ХАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Жисмоний тарбия ва спорт

УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИМИЗДАН БИРИ

Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ўз вақтида спортчиларнинг ажойиб бир авлодини тарбиялаб етиштирган эди-ки, уларнинг номини бутун дунё билади. Куни кеча алпинистларимиз дунёнинг энг баланд чўққиси-Эверестни эгаллаб, ҳам спортда, ҳам инсонийликда мардлик намунасини кўрсатдилар.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Касаба уюшмалари «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг III қурултойи касаба уюшмаларининг кейинги йилларда бу борадаги ишларининг ҳисоботи ва олдинда турган вазифаларни белгилаб олишга имкон берди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар ЖАҲОНГИРОВАнинг нутқи

КАСАБА УЮШМА ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Маълумки 90 йилларнинг бошларида касаба уюшмалари ҳаракатида касаба уюшмалари ходимларини соғломлаштириш ишлари билан шуғулланишлари шарт эмас, деган фикр биринчи бор ўртага ташланган эди.

Лекин бундай ёндошишнинг асоссиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Шуни айтишим керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпгина мамлакатларида жисмоний тарбия ҳаракати бошидан оғир кунларни кечирмоқда: минглаб заллар, кортлар, ҳоккей майдончалари стадионлар ёвузиб ташланган ёхуд савдо-сотиқ жойлари, автосалонлар, ярмаркаларга айлантирилган. Ўн минглаб тренерлар, жисмоний тарбия инструкторлари бошқа касбларда ишламоқда. Бу йўқотишнинг ўрнини ҳечам тўлдириб бўлмайди.

Ўзбекистонда бошқа манзарани кўрамиз. Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, биз жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг моддий-техник базасини ва кадрлар потенциалини асосан сақлаб қолдик.

Лекин нима учун бугун жисмоний тарбия ва спорт ишларини чуқур ислоҳ қилиш зарурлиги ҳақида гапиряпмиз?

БИРИНЧИДАН, спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчилар сони йилдан-йилга камайиб боряпти: агар 1991 йилда улар 638 минг бўлса, 1997 йилда 479 минг киши бўлди.

ИККИНЧИДАН, спорт турлари бўйича тренерлар сони камайиб кетяпти.

УЧИНЧИДАН, моддий-техник базасининг бугунги аҳволи замон талабларига жавоб бермайди.

ТЎРТИНЧИДАН, корхоналарда ишлаб чиқариш гимнастикаси билан деярли шуғулланилмай қўйилди.

БЕШИНЧИДАН, энг муҳими, ҳаётни ўзи шуни кўрсатдики, ўтиш даврида, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятини сақлаб қолишгина эмас, балки бу йўналишдаги ишни республика касаба уюшмалари ҳаракатининг устивор йўналишларидан бири деб билиш керак.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗА ХАБАР ҚИЛАДИ:

Қишлоқда қайта ишлаш корхонаси

Данғара туманидаги «Фрут ЛТД» масъулияти чекланган жамият Италиянинг «Бертуцци» ва Швециянинг «Тетро пак» фирмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Томонлар келишувига кўра, Данғарада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий дастгоҳлар ўрнатилади. Ҳозир бу борадаги ишлар учун 3 миллион 722 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Корхона ишга тушгач, 63 тонна маҳсулот жаҳон андозасига мос бўлган қадоқланган идишларга қўйилиб истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилади.

Р.КАМОЛОВ

Ҳашар йўли билан қурилмоқда

Қорасув шаҳар марказий шифохонаси ёнида юқумли касалликлар бўлими учун 40 ўринли янги шифохона бинолари мажмуи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Уни мустақиллик байрамигача фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Ҳашар йўли билан қурилиши ниҳоясига етказилаётган мазкур шифохонада беморлар ва тиббиёт ходимлари учун деярли барча шарт-шароитлар барпо этилади. Дарвоқе, янги муассасани жиҳозлашда ҳам қорасувлик меҳнат жамоалари ва ҳиммати баланд тадбиркорларнинг ҳомийлик ёрдамига таянилади.

К.НИЗОМОВ.

ХАБАР

Қирғизистон ҳудудидаги тоғларда қорнинг тез эриши ва Шоҳимардонсой дарёсида сув оқимининг кескин кўпайиши натижасида шу йил 8 июлда Фарғона вилоятидаги Шоҳимардон қишлоғида сув тошди. Натижада қурбонлар ва вайронгарчиликлар содир бўлди.

Аҳолига ёрдам бериш ва табиий офат оқибатларини тугатиш учун Ҳукумат комиссияси тузилиб, иш бошлади. Бу ишга Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари кучлари ва воситалари жалб этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИМИЗДАН БИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сизларга маълумки, 1996 йилнинг 9 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устивор йўналиши бўлиб келаётганлиги таъкидлаб ўтилган. Маънавият соҳасидаги бутун масъулият жойларда биринчи раҳбарлар, шу жумладан жамоат ташкилотлари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Лекин, афсуски, бу даъват касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши собиқ раҳбариятининг эътиборидан четда қолди. Фақат Федерация кенгашининг охирги мажлисида маънавий ривожланиш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналиши эканлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тайёрланмоқда, унга мувофиқ суғуртали тиббиётга ўтиш амалга оширилади. Табиийки, бундай шароитда жисмоний соғлом бўлишдан ҳамма манфаатдор.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЖАМИЯТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

Шунинг учун ҳам касаба уюшма аъзоларининг маънавий камолоти ва жисмоний соғлиги масалаларини онгли равишда касаба уюшмаяари ишини такомиллаштириш асосий йўналишларидан бири сифатида илгари суряпмиз. Жисмоний тарбия ва спорт жамиятини ислоҳ қилишга айни шу позициядан туриб ёндошдик.

Амалга ошириладиган ислоҳотнинг ўзига хос муҳим хусусиятлари нималардан иборат?

БИРИНЧИДАН, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг стратегиясини белгилаш ва амалга оширишда бутун маъсулият касаба уюшмалари органлари зиммасига юклатилиши керак. Шунинг учун ҳам жамиятнинг барча вилоят ташкилотлари конфедерацияларида маъқулланган янги таҳридаги Низомида Бошқарув сингари органни тузиш кўзда тутилганки, у жамият ва ишчи иҳроия органи-Котибият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, мазкур стратегияни ҳам ўша орган амалга оширади.

Республика миқёсида Федерация кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, вилоят (шаҳар) миқёсида вилоят (шаҳар) кенгаши раиси (ёки унинг ўринбосари), туман миқёсида-агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси, бошланғич физкультура жамоаларида эса - касаба уюшма қўмитаси раиси - жамиятнинг бошқаруви раиси этиб тайинланадилар. Котибият раҳбарлари лавозимида фақат жисмоний тарбия-спорт мутахассислари тасдиқланадилар.

ИККИНЧИДАН, Республикада ҳозирги кунда 220 дан ортиқ республика жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. Лекин касаба уюшмалари улар орасида алоҳида рол ўйнайди, чунки у деярли ҳамма корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда ўз бўлинмаларига эга бўлиб аҳолининг барча қатламларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам бошқарувда ҳамма жамоат ташкилотлари: ногиронлар жамияти, «Нуроний», «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқаларнинг фаол иштирок этиши кўзда тутилган.

УЧИНЧИДАН, баъзида касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти билан Давлат спорт комитети ўртасида зиддият, келишмовчилик бор деган, сохта фикр туғилади. Бу фикр ҳеч қандай асосга эга эмас. Бизнинг жамият Давлат спорт комитети билан ҳамиша ҳамкорлик қилади, унинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ солади, унинг қўллаб-қувватлаши билан спорт турлари бўйича Федерациялар ва клублар, тармоқ спорт клубларини ташкил этади, спорт мусобақаларини ўтказади.

Вилоят спорт комитетларининг раҳбарлари жамият бошқарувининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлишади.

ТЎРТИНЧИДАН, жисмоний тарбия ва спорт жамияти тизимида биз - ҳам меҳнат жамоаларида, ҳам турар жойларда тармоқ спорт- соғломлаштириш клубларини сақлаб қоламиз ва ривожлантирамиз.

ИСЛОҲОТ ВА МОДДИЙ БАЗА

Бунда бир савол туғилади: хўш ислоҳотни амалга ошириш учун моддий база борми, у қандай аҳволда? Асосий база- бу касаба уюшмалари бюджети маблағлари.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда жисмоний тарбия ва спорт ишларига касаба уюшмалари бюджетининг атиги салкам 7 фоизи сарфланади. Бу мақсадлар учун камида 25 фоиз сарфлашимиз керак.

Маблағларнинг бошқа манбаи бу хўжалик органлари ажратадиган маблағдир. Кўпчилик бошланғич ташкилотларда жамоа шартномалар орқали бу маблағлар 1 фоизгача етказилди, лекин улардан доим ҳам тегишли мақсадларда фойдаланилмайди.

Учинчи манба - бу ижтимоий суғурта маблағлари. Биз бу борада Президентимиз И.Каримовдан жуда миннатдор бўлишимиз керак, чунки биз МДҲ мамлакатлари ичида давлат соғломлаштиришга ажратган маблағдан ўз ихтиёримизча фойдаланадиган ягона мамлакатимиз. Бу бизга жуда катта масъулият юклайди. Биз бу маблағларнинг бевосита ўз эгалари қўлига тегиши, улардан фақат зарур мақсадларда фойдаланишлари учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз керак.

Маълумки, соғломлаштириш деганда фақат санаторий-курортларда даволашни тушунмаслик эмас. Жисмоний тарбия ва спорт бу ҳам соғломлаштиришдир.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, айрим Ғарб мамлакатларида халқ спорти қатъий давлат маблағи билан таъминланади. Масалан, ТУЛ-Финляндия ишчилар уюшмаси - 80 миллион фин маркаси миқдорида йиллик бюджетига эга, шунинг ярмини давлатдан олади.

Шунинг учун ҳам биз давлат ижтимоий суғурта маблағларидан 65 фоизини бошланғич ташкилотларида, 20 фоизини вилоят касаба уюшмалари кенгашларида қолдиришга қарор қилдик, шулардан 16 фоизи БУСМни таъминлашга сарфланади.

Тўртинчи - манба - Низомда кўзда тутилганидек, жамиятнинг ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятини ривожлантиришдир.

Шубҳасизки, ФСЖга жамоа тарзида аъзо бўлишни кучайтириш керак. Жамоа тарзида бадал тўлашни ошириш лозим. Йирик ва майда бизнеснинг спорт базаларини қуриш ва мусобақаларни ўтказишга қўшадиган реал ҳиссасини рағбатлантириш зарур.

ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Ўйлайманки, бундай мустаҳкам молиявий асос бир қатор кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга имкон беради. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат;

ишлаб чиқариш гимнастикасини тиклаш, лекин бу ишни касб касалликлари хусусиятларини ҳисобга олиб қилиш керак;

тармоқ ва қишлоқ спартакиадаларини, болалар ва ўсмирлар ўртасида мусобақаларни мунтазам ўтказиб туриш;

мавжуд тармоқ спорт иншоотлари негизида вазирликлар, муассасалар, концернлар, акциядорлик компаниялар билан ҳамкорликда тармоқ спорт-соғломлаштириш клубларини ташкил этиш ишларини кучайтириш;

спортнинг миллий ва ўйин турларининг энг замонавий турларини ривожлантириш;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантириш.

Ҳозирги вақтда мавжуд 113 та болалар-ўсмирлар мактабларининг асосий қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган, қишлоқ жойларида эса уларнинг сони-атиги 44 та (39 фоиз). Яъни, бундай мактабларда тарбияланувчиларнинг умумий сонига (25563 киши) нисбатан қишлоқ болалари ва ўсмирлари сони (7232 киши) атиги 24 фоизни ташкил этади.

Қашқадарё, Жиззах, Хоразм, Навоий, Наманган вилоятларида эса қишлоқ болалар-ўсмирлар спорт мактаблари умуман йўқ. Касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оилаларини жисмонан камол топтиришнинг ушбу йўналишига ҳам алоҳида эътибор бериш лозимлиги шубҳасиздир.

«Оила йили» шарофати билан қишлоқ жойларида, қўрғонларда ва спорт иншоотларини барпо этиш имкониятлари мавжуд бўлган йирик маҳаллаларда спорт-мактабларини ривожлантириш лозим. Бу ишда «Маҳалла» жамғармаси, бошқа жамғармалар ва жамоат бирлашмалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, «Ҳашар» анъанасидан фойдаланиш керак;

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини тиклаш зарур. Бугунги кунда касаба уюшмалари ФСЖ аъзолари касаба уюшмалари аъзоларининг 21,3 фоизини, спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланаётганлар атиги 7,1 фоизни ташкил қилади. Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида касаба уюшмалари аъзоларининг тўлиқ иштирок этишига эришиш учун касаба уюшма фаоллари ўрнак кўрсатишлари лозим. Бу аҳолининг нафақат жисмоний, балки маънавий, руҳий саломатлигини мустаҳкамлашга турли хилдаги сохта диний оқим ва секталар таъсирининг олдини олишга имкон беради.

Шу муносабат билан Сизларга бир нарсани эслатиб ўтишни истардим. Шу йилнинг апрелида касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2000 йилгача мўлжалланган Мафкуравий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш, меҳнаткашлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлари» ишлаб чиқилди. Унда «Жисмоний тарбия ва спорт масалалари» деган махсус бўлим бор. Лекин жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг келгусида ислоҳ қилинишидан келиб чиқиб, Бошқарув котибият билан биргаликда жамиятнинг 2000 йилгача мўлжалланган ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни Федерация кенгаши котибиятининг яқинда бўладиган мажлисида тасдиқлаши керак.

КАСАБА УЮШМА МАБЛАҒИ

Касаба уюшма мулкини сақлаш ва ривожлантириш масаласида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим деб ҳисоблайман. Афсуски, бу борада катта муаммолар бор. Жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Тошкент вилоят конференциясида касаба уюшмалар мулки жамғармаси шаънига ўринли танқидий фикрлар билдирилди. Ҳозир бу жамғарма фаолияти чуқур ўрганиб чиқиляпти. Охирги 3 йил мобайнида, ҳақиқатдан ҳам, касаба уюшма раҳбарлари касаба уюшмалари мулкига нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлмоқдалар. Ахир бу мулк айни пайтда барча аъзоларимизга тегишли. Касаба уюшмалар Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари Низомининг 8-боби 5-бандида «Федерация кенгаши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги касаба уюшмалари мол-мулкининг тўла ваколатли эгаси ҳисобланади» деб ёзилган талабига қатъий риоя қилишимиз керак. Демак мулкни сотиш, ижарага бериш масалалари фақат Федерация кенгашининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Шунинг учун, янги сайланган Бошқарувга тегишли комиссия тузиб, жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкни текшириб чиқишни тавсия этардим. Бу мулкни тасарруф этиш ва унга эгалик қилиш Федерация кенгаши ваколатида қолади.

Бугунги масалаларимизга бевосита алоқадор бўлган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволига берган жавобидан қуйидаги сўзларини келтиришни истардим:

«...Биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, ҳам хавфсизликни сақлаб қолиш борасида энг оғир ва мураккаб даврни бошимиздан эсон-омонлик билан кечирдик. Халқимизнинг донолиги, бағри кенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қозолардан асраб, идрокимизни, ақл-заковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллатлараро, фуқароларо тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан ғурурланиб, янги-янги марралар сари қадам қўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор».

Президентимиз эътироф этган бу ютуқларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланишга ҳақлимиз ва шу туйғулар биз учун устивор йўналишларимиз илҳомчиси бўлиб боради.

Ислоҳот одимлари

ЙИГИТНИНГ ҒУРУРИ БЎЛСИН

Мамлакатимизда миллий мафкуранинг шакллантирилиши натижасида бугунги кунда халқимизнинг ижтимоий фойдали қадриятлари тикланаяпти. Одамлар турмушида, маънавиятида ўзгаришлар юз бераяпти. Бинобарин, бу ўзгаришлар иқтисодиётда ҳам ўз аксини топмоқда.

Мухбиримизнинг юқори Чирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги раҳбари Асқаржон ҚАРШИЕВ билан суҳбати ҳам шу хусусда.

- Асқар ака, суҳбатимиз аввалида сиз етакчилик қилаётган корпорациянинг иқтисодий аҳволи ҳақида гапириб берсангиз.

- Айни пайтда корпорацияда 16 та фермер хўжаликлари 160 дан зиёд ер майдонларида маҳсулот етиштирмоқдалар. Хўжаликларимиз асосан деҳқончилик маҳсулотлари дон, пахта ва бошқа зироатлар етиштириб берадилар.

Мана, бир неча йилдирки, «Гулистон» жамоа хўжалиги ўрнида корпорация ташкил қилинди. Хўш, бу бизга нима берди? деган савол туғилиши мумкин. Айтиш керакки, мулк шаклининг ўзгариши бизга кўп нарсани ўргатди. Одамларнинг меҳнатга, ишлаб чиқаришга муносабати ўзгарди. Сифат кўрсаткичларимиз тез суръатларда ўсди. Аҳолининг турмуш маданияти, маънавияти, яшаш даражаси ошди.

Бундан ташқари, ёрдамга муҳтожларга яқиндан ёрдам беришга катта аҳамият бераяпмиз. Масалан, шу вақт мобайнида 11 минг «қора кўз»нинг тўй-ҳашари, кўпчилик томонидан ўтказилди. Бу каби савобли ишларни кўпроқ амалга ошириш ниятидамиз.

- Хўжалик тараққиётида оила муносабатларининг аҳамияти қандай?!

- Иқтисод турмушдан алоҳида бўлаолмайди. Балки у, ички муносабатлар билан, хусусан оила муносабатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки оиласида тинчи бўлган, бола-чақаси, аҳли-аёли ёнида сўзига қулоқ тутиб турган инсоннинг ишда ҳам самараси кўп бўлади. Ўз мажбуриятини, масъулиятини тўлароқ англайди, унга амал қилади. Буни инобатга олиб иш тутган раҳбарнинг одамларга муносабати, кекса-ю-ёшга муруввати ўзгача бўлади.

Афсуски, кўп ҳолларда бунинг аксини ҳам кўриш мумкин. Баъзи одамлардаги таъбир жоиз бўлса, «ногиронликни» кўриб, юрагинг ачишади. Айтайлик, бировлар ўз кексайган ота-онасининг ҳолидан хабар олишни хаёлига ҳам келтиришмайди. Болалари ҳам тинч эмас. Ўзи кунига «Сариқ» дев билан ошно бўлган пиёнистага жаҳлим чиқади. Шуми одамгарчилик? Ўйлаб кўринг, бундай инсонлар бор-будини ўша кашандалиги ва пиёнисталиги йўлига қурбон қилишга тайёр. Бундай кимсалар ғурур виждон нималигини тушунадими?! Ўз йигитлик шаънини англайдими?!

Бу йил Тошлоқ туманидаги Холматжон Марозиқов номли ширкатлар уюшмаси пахтакорлари пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 40 центнерга етказиш учун ҳаракат қиляптилар. Айниқса, хўжаликдаги Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажонов бошлиқ бригада пахта усталари ғўза парваришини кун сайин авж олдиряптилар.

Суратда: Ўзбекистон Қаҳрамони Комилжон Мамажонов

Бахтиёр Ҳамроқулов олган сурат.

- Асқар ака, хўжалигингизда етти йилда 5 та қизни дунёга келтириб тарбиялаётган оила бор экан. Лекин отаси, ҳамон ўғил туғиб берасан ойиси» деб хархаша қилишини ташламабди.

- Агар билсангиз, бу оила бахтли экан. Зеро, ҳаётда ўғилсиз, фақат қизли оилалар қанча? Тирноққа зор оилаларчи?! Шундай экан, қиз фарзанд ҳам фарзанддир. Қолаверса, уч қизни тарбиялаб, оқила қилиб вояга етказган ота-она жаннатидир, дейилади ҳадисларимизда. Ахир бу улуғ сийлов-ку! Қачон менинг қизларим ишдан сўнг, адажон, деб қаршимга чиқса, қайта туғилгандай бўламан. Бири қўлимга сув қуйиб, бошқаси сочиқ келтирганда яйраб кетаман.

- Газета ва журналларга муносабатингиз? Уларнинг қайсиларига обуна бўлдингиз?!

- Дарҳақиқат, «Ишонч», «Қалб кўзи», «Оила ва жамият» газеталари хонадонимизнинг доимий меҳмони, севимли нашри. Умуман, оиламиз билан китоб ва журнал ўқишни севамиз. Мен ўзим яқинда ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» китобини ўқиб чиқдим. Шоира Турсуной Содиқованинг «Меҳр қолур» мажмуаси менга манзур бўлди. Умуман китобхонлик инсон камолотига хизмат қилувчи манбаа деб ҳисоблайман. Шу боисдан нафақат болаларимга ва оиламга, балки хўжалигимиз жамоасидагиларни ҳам китоб ўқишга даъват қиламан.

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ
суҳбатлашди.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раиси Б. МАХСИТОВ нутқи

Мен касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгированинг касаба уюшмалари спортининг янги вазифалари ҳақидаги нутқини қизиқиш билан тингладим.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, маърузада касаба уюшмалари спорт ҳаётига ўткир танқидий кўз билан қаралди. Спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчи спортчилар, мураббийлар йилдан-йилга камаяётганлиги, моддий-техника базалари аҳволи ёмонлашаётганлиги, спорт майдонча ва майдонларининг қисқараётганлиги очиқ ойдин айтилди. Дарҳақиқат Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда **Республика Давлат спорт қўмитаси ва касаба уюшмалари ҳамкорликдаги фаолиятига** эътиборни қаратиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Молиявий маблағнинг етишмаслиги сабабли кўплаб спорт тадбирлари ўтказилмаслиги асосий муаммони келтириб чиқараётганлигини барчамиз яхши биламиз. Агар авваллари касаба уюшма спорти тармоғи маблағ билан энг яхши таъминланган бўлган бўлса, кейинги вақтларда спорт учун ажратиладиган маблағ миқдори камайди. Мен Дилбар Набиевна нутқларидаги айниқса, касаба уюшмаси қўмитасидан жисмоний тарбия ва спорт ишлари харажатлари учун 25 фоиздан кам бўлмаган маблағ ажратиш, шунингдек қўшимча маблағ топиш зарурлиги борасидаги фикрларини қониқиш билан қабул қилдим. Энг муҳими касаба уюшмалари ҳаракатида спорт фаолияти устивор мақомга эга бўлади. Спортчиларимиз дуч келаётган кўп муаммолар ўз ечимини топади.

Бугунги қурултой касаба уюшмаларида жисмоний тарбия ва спортга маблағ ажратиш ҳақидаги чигал фикрлар умуман касаба уюшмалари спорти керакми-йўқми деган саволга қатъиян чек қўйди, десам хато бўлмаса керак.

Республикамиз спорти Ўзбекистон Мустақиллигининг 7 йиллигини қатор муваффақиятлар, жаҳон доирасида катта муваффақиятлар билан кутиб олишга ҳозирлик кўраяпти. Олимпия ўйинларида медаллар шодасига эришдик, спортчиларимиз ҳар йили жаҳон ва Осиё чемпионатларида ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаяпти, байроғимиз жаҳон узра баланд кўтарилаяпти, Давлатимиз мадҳияси янграяпти.

Ҳукуматимиз эса спортчиларимиз, мураббийларимиз, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларимизнинг ютуқларини юқори баҳолаяпти. 1996 ва 1997 йилнинг ўзида 34 нафар вакилларимиз республикамизнинг орден, медал ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Бу муваффақиятларда касаба уюшма ташкилотларининг улкан ҳиссаси бор. Бизнинг шарафли альпинистларимиз дунёнинг энг баланд - Эверест чўққисини забт этганлигини, спортчиларнинг асосини эса касаба уюшмалари спорт жамияти аъзолари ташкил этганлигини фахр билан тилга олиш мумкин.

Касаба уюшмалари спорт жамиятининг ўзига хос тарихи, муносиб анъаналари бор. Касаба уюшмалари ташкилотлари олий маҳоратли спортчиларни тайёрлаш билан бир қаторда оммавий жисмоний тарбияни ривожлантиришни таъминлайди, ташкилот ва муассасаларда, қишлоқ жамоаларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида соғломлаштириш ишларини олиб боради.

Бугунги кунда меҳнаткашлар ва уларнинг оиласини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғуллантиришга оммавий жалб этиш жисмоний тарбия ҳаракатимизнинг энг оғриқ нуқтаси бўлаяпти ва биздан талабчанликни оширишни талаб этаяпти. Бу масалаларни ҳал этиш эса касаба уюшмалари спорт жамияти янги раҳбарларининг фаолиятида муҳим роль ўйнайди деб ўйлайман.

Касаба уюшмалари спорт жамияти олдида болалар ва ўсмирлар спортига жиддий эътибор бериш каби вазифалар турибди.

Бугунги кунда касаба уюшмалари жамияти аъзолари Ўзбекистон терма жамоалари таркибининг 40 фоизини ташкил этади. Бу мақтовга арзигулик. Ватан олдидаги улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда бу спортчиларимиз ҳамиша етук спорт тайёргарлигида туриши, энг масъулиятли мусобақаларда республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилишлари лозим.

Болалар-ўсмирлар спорт мактабларидаги мураббий кадрлар ишининг таҳлили шуни кўрсатдики, касаба уюшмалари спорт мактабларида мингдан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Мураббийлар иш фаолиятини назорат қилишни кучайтириш, иш унумдорлигини ошириш, унумли ва ижодий фаолият кўрсатиш шароитларини яратиш зарур. Бу эса Республикамизда юқори малакали спортчилар ва ўринбосарлар тайёрлаш имконини беради.

Кўриб турибсизки, касаба уюшмалари спортининг олдида улкан муаммолар турибди. Фақатгина Давлат спорт қўмитаси ва унинг жойлардаги органларининг касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликлари оқибатида бу муаммоларни ҳал этиш мумкин. Мақсадимиз жисмоний тарбия ва спортни буюк халқимизнинг талаби даражасига кўтаришдир.

Китоб туманидаги «Паландара» деҳқонлар уюшмаси аъзолари эл дастурхонини ёз неъмати—ширин-шакар узум билан тўкин этишга азму қарор қилишган. Мавжуд 404 гектар майдондаги токзор меҳр билан парваришланаяпти. Уюшма жамоаси 720 гектар майдондаги ғалла ўримини ҳам уюшқоқлик билан олиб бораётир.

Суратда: звено бошлиғи Арслон Шойимов (чапда) ва уюшма раиси Абдуҳамид Воҳидовлар ғаллазорда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Касаба уюшма ҳаёти: меҳнатни муҳофаза қилиш

МАВСУМИЙ ЭМАС, ДОИМИЙ...

Республикамизда мураккаб бозор иқтисодиёти шароитларига қарамай ишлаб чиқаришда хавфсиз иш шароитини яратишга катта эътибор берилмоқда. Олий Мажлис томонидан «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолият кафолатлари тўғрисида», «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида», «Меҳнат кодекси тўғрисида» ва бошқа қонунларнинг қабул қилинганлиги бу фикрнинг яна бир исботидир.

Касаба уюшмалари мазкур давлат ҳужжатларини ҳаётга тадбиқ этиб, хавфсиз меҳнат шароитини ташкил этиш, экологик шароитни яхшилаш йўналишида фаол қатнашмоқдалар. Ана шу мақсадларда меҳнат муҳофазаси бўйича кўрик-конкурс эълон қилинган ва унда вилоятдаги барча металлургия ва машинасозлик корхоналари фаол қўшилган эдилар.

Яқинда ташкил этилган Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси дастлабки қадамларданоқ меҳнат муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор бера бошлади. Бу борада олиб борилаётган ишлардан бири меҳнат жамоаларидаги меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ва фаолларни ўқитиш бўлмоқда. Чирчиқ шаҳридаги «Трансформатор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида меҳнат муҳофазаси юзасидан семинар ўтказилди. Унга вилоят тармоқ корхоналари вакиллари таклиф этилди.

Кенг доирада ўтказилган тадбирда вилоят металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раисининг ўринбосари А.Миржалилов, мазкур қўмитанинг техник ва ҳуқуқ нозирлари Р.Галимов ва В.Прехин нутқларини йиғилганлар қизиқиш билан тингладилар. «Трансформатор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси Л.Гуль, корхона бош мухандиси А.Ишченко, уста Х.Ризаев корхонада олиб борилаётган ишлар, илғор тажриба, юз бераётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўлларида олиб борилаётган хатти-ҳаракатлар, пайдо бўлган муаммолар ҳақида гапирдилар. Шунингдек, нотиқлар меҳнатни муҳофаза қилиш ишига ҳалақит бераётган масалалар хусусида тўхталдилар. Уч погонали назоратни кенг ёйиш ва мустаҳкам йўлга қўйиш, иш жойларини талаб даражасида аттестация қилиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Махсус иш коржомалари, пойафзаллар ва якка ҳимоя воситалари сифатининг яхши эмаслиги ташвишга солувчи ишлардан бири эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Мазкур тадбирда меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазаси йўлида бундай семинарларни мунтазам ўтказиб бориш, бу иш мавсумий бўлмай доимий бўлиши, ана шу мақсадда тадбирлар тузиб ижросини таъминлаш, тармоқда техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ишларига кенг жамоатчиликни жалб этиш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Б.СОЛИХОВ.

1998 йил — Оила йили

ОИЛА даврасида

Одамийлик сабоқлари

Жаҳон халқларининг тараққиёти жараёнида барча миллат ва элатларнинг ибтидоий даврдан бошлаб замонамизгача бўлган ёзма ва оғзаки манбаларида инсон омили, одам шахси ҳамиша улуғланиб келинган. Чунки, инсон дунёдаги яратилган жонзотларнинг энг фазилатлиси ва аълоси. Инсонга ато этилган кўпгина хислатлар бошқа мавжудодларга берилмаган. Агар биз ақл-билим ва тафаккуримизни ишлатиб адолат билан иш тутсак, ҳаётимиз гўзал, табиатимиз мусаффо бўлиши муқаррар. Агарда одамзотнинг ашаддий душмани бўлган шайтон васвасасига учса, хору зор бўлиб, табиатимизни ва ўзимизни ҳалокатга олиб боришимиз мумкин.

Одам дунёдаги энг улуғ ва энг фазилатли бўлиши билан бирга энг заиф ва ожиз мавжудотдир ҳам. Инсоннинг ожизлигига мисоллар кўп. Жумладан, инсон на совуққа ва на иссиққа чидайди. Одамзод бир-биридан фарқли қилиб яратилган. Бу фарқ қилишлик унинг тараққиёти тарихида неча минг йиллар давомида ўз аксини топиб синалган ва исботланган. Инсондаги фарқларнинг энг муҳимлари гавда, юз, кўз тузилишларининг хилма-хиллиги ва одоб-ақл, фаҳму фаросат, идрок, илму маърифат, онг, тафаккур, виждон, меҳру мурувват, шафқат каби хислатларнинг бўлиши ва бўлмаслигидадир. Мазкур хислатларга эга бўлган киши ҳақиқий одамдир ва бу хислатларнинг бирортаси ҳам бўлмаган кишини одам сифат махлуқ, деб аташ мумкин. Демак, одам — инсон, деган ном умумий тушунча бўлиб, буларнинг ичида шу номга лойиқ ва муносиб кишиларнигина инсон - одам деб аташ мумкин. Инсоннинг энг биринчи инсонийлик ва одамийлик белгиси ақлу одоби ва тафаккуридир. Чунки, ақлли одам одобли ва фикрли бўлади. Бу борада Шарқнинг буюк алломаларидан Фирдавсий Тусий шундай дейди:

Худо неъматларин олийси идрок,
Ақлни мадҳ этар кимки дили пок,
Ақл йўл кўрсатиб дилни этар шод.
Ҳар икки оламда ақлли обод.

Демак, инсон ақлини ишга солиб, бу дунёга нима учун келганини тафаккур қилиши, илму маърифат ўрганиши, халқи, Ватани ва хешу ақраболари учун хайрли ишлар қилиб, берилган қисқагина умридан унумли фойдаланиб ўзидан яхши ном қолдириб кетиши лозим. Бу борада Абдураҳмон Жомий шундай дейдилар:

Эй, энг яхши одам ким деб сўраган
Айтайин, ким бўлур энг яхши одам.
Энг яхши одам шу - кимдан халқига
Қандайдир наф тегар ҳар куну ҳар дам.

Лекин афсуслар бўлсинки, ҳозирги давримиз одамларининг баъзиларидан инсонийлик фазилатлари узоқлашиб кетмоқда. Жамиятимиз иқтисодий тангликни ўз бошидан кечираётган ушбу дамларда кўпгина одамлар инсофу тавфиқни унутиб, молу дунё орттириш пайига тушиб, бир-бирларини товламоқдалар. Бирни ўнга олиб, ўнни юзга сотмоқдалар, ҳамма нарсани пул билан ўлчамоқдалар. Келажакларини ўйламаган айрим ёшлар айни илм-маърифат ўрганадиган пайтларида онгсизликлари ва ота-оналарининг бепарволиклари сабабли ўғирлик, босқинчилик, товламачилик, ичкилик ва гиёҳвандлик йўлларига кириб кетмоқдалар. Мушкулроқ ишларни битказиш учун пора бериш ва пора олиш давом этмоқда. Баъзи хотин-қизлар молу дунё ва нафслари учун ўз иффат ва номусларини сотмоқдалар. Ўғил отани, қиз онани беҳурмат, ҳақорат қилиш, ҳатто ёқасидан бўғиб уриш ҳолатлари учрамоқда. Хўш, нега шундай? Бир пайтлари жаҳонда ўта маданиятли, юксак онгли бўлган, дунёга Беруний, Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва Машраб сингари мутафаккирларни тарбиялаб воягa етказиб берган, ўзининг аҳлоқу-одоби билан бутун оламни лол қолдирган халқимиз орасида шундай нопоклар қаердан пайдо бўлмоқда?

Менимча бунга асосий сабаб битта, у ҳам бўлса кўпчиликнинг етмиш икки йил давомида ҳалол ва харомни фарқ қилолмай қолганлигидадир. Халқимизнинг ажойиб бир хикматида - бирнинг касри юзга, юзнинг касри мингга уради, дейилади. Мўътабар китобларда битилишича, қайси ерда ҳалол билан ҳаромни фарқи бўлмаса, у ерда инсофу тавфиқ, хайру барака, меҳру мурувват, раҳму шавқат ва инсофу диёнат бўлмайди, дейилган. Зероки, яхшилик ҳақида Алишер Навоий шундай деганлар:

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдан анча яхшилик.

Абулқосим Фирдавсий инсондаги яхшилик ва ёмонлик хислатларини қуйидагича таърифлайди:

Кел жаҳонни топширмайлик ёмонга,
Бурайлик барчани яхши томонга.
Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмас пойдор,
Яхшиси: яхши иш бўлсин ёдгор.

Инсон аҳлоқи ва одоби билан улуғдир, чунки аҳлоқ ва одоб инсоннинг безаги ва зийнатидир. Одобли киши обрў эътиборга эришади, одобсиз киши одамлар нафратига учрайди. Одоб тўғрисида Абдураҳмон Жомий шундай дейдилар:

Дилинг ясатмаса билим, фазл, адаб,
Этма зийнат, кийим, мартаба талаб,
Одоб ичдан бузуқ бўлган бир жойда
Ташқари безакдан нима ҳам фойда?

Дарҳақиқат, инсоннинг ташқи қиёфаси эмас, балки ички дунёси пок бўлмоғи даркор. Ҳеч қачон одамнинг ташқи қиёфасига қараб баҳо бермаслик керак. Чунки, ташқи кўриниш бир ғилоф бўлиб, асосийси шу ғилофнинг ичидаги мазмуни билан белгиланади. Одамнинг ташқи қиёфаси жуда хушрўй ва келишган бўлиши, аммо ўзи эса ўта разил ва ярамас бўлиши, ёки ташқи кўриниши жуда хунук ва бадбашара бўлиши, аммо қалби ниҳоят даражада пок ва мусаффо, ўзи эса буюк ақл-заковат эгаси бўлиши мумкин. Бу ҳақда Мавлоно Абдураҳмон Жомий шундай дейдилар:

Таъна қилма хунук юзумга қараб,
Эй ақлу инсофдан бехабар киши
Тан ғилоф бўлса, ақл-ундаги қилич,
Кўргил ғилоф эмас ақлнинг ишин.

Одамлар ҳаётда турлича фикрлаб, турлича яшайдилар. Чунки ҳар бир кишининг ўзига хос фикри, ақли, фаҳму фаросати, хулқу одоби ва дунёқараши бор. Шунинг учун ҳар бир киши барча ҳолатда хоҳ ҳақ бўлсин, хоҳ ноҳақ бўлсин, ўзини ва қилган ишини доимо ҳаққоний, деб ҳисоблайди ва ноҳақлиги ошкора бўлиб турган ҳолда ҳам ўзини ҳақ дея исботлашга тиришади. Ана шундай қилиб одамлар яхши, ёмон ва муттаҳам, деб аталган гуруҳларга ажратилади. Инсоният тарихида ҳамма даврларда яхши одамларга мадҳиялар, таърифу тавсифлар битилиб, ёмон ва муттаҳам одамлар қораланган.

Яхши одамлар ақлу идроклі бўлиб, илму ҳунар ўрганиб, доим фойдали меҳнат билан банд бўладилар. Отаоналарининг, аёлу фарзандларининг иззат ва ҳурматларини доимо бажо келтирадилар. Ватанларини, халқни севиб, катталарга ҳурматли, кичикларга шафқатли бўладилар. Яхшиларда, жаҳолат, ёмонлик, ёлғончилик, худбинлик, кибру ҳаво, душманлик сингари ёмон хислатлар бўлмайди. Бундай ярамас сифатлар ёмон одамларда бўлади.

Ёмон одамларга яхшилик қилсанг, эвазига сени фалокатга қўяди. Бу ҳақда Шайх Саъдий шундай дейди:

Ёмонга яхшилик қилмоқ ёмондир,
Буни яхши билган ақли расолар.
Ўрнига яхшилик - қуйлар бошига,
Келтиргай қанчадан-қанча балолар.

Умуман айтганда, бу беш кунлик дунёга ҳаммамиз меҳмонмиз ва синовдамиз. Азиз биродарлар, ақл-заковатимизни ишга солиб гуноҳлардан, ҳарам-ҳариш молу дунё ва луқмалардан ўзимизни тияйлик. Бир-биримизга иззату ҳурматли, хайру саховатли, меҳру шафқатли бўлайлик. Ўзгаларни заррача ҳақини ейишдан ҳазар қилайлик. Шундагина қилаётган ибодатларимиз мақбул, дуоларимиз ижобат, фарзандларимиз қобил, топган-тутганимиз баракали, шаҳар-қишлоқларимиз обод бўлади.

Аҳмад УБАЙДУЛЛО,
Шарқшунос.

НЕЪМАТЛАРНИНГ ОЛИЙСИ ИДРОК

Турмуш чорраҳаларида

ПИСТА

Халқимизнинг илғор анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумлари - умуман одоб хазинасида кишиларнинг, айниқса, қизларнинг оилада, кўчакўйда, жамоат жойларида кийиниш, ўзини тута билиш, юриш-туриш, сўзлашиш, муомала одоби, кўйингчи, «Қизлар одоби» хусусидаги ривоятлар, йўл-йўриқлар, панд-насиҳатлар жуда кўп. Улар ранг-баранг бўлиб, ҳатто ҳозирги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Халқ назарида қиз бола ипакдай майин, иффатли, ориятли, ширинсухан бўлмоғи зарур. Бундай қизларни «Пардали қиз- парига тенгсиз» деган мақол билан мадҳ этадилар. Аксинча, қизларнинг кўпол муомалали, шарттаки, «бетга чопар», одобсиз бўлишини сира-сира ёқтирмайдилар.

Келин орзусида юрган, сандиқларни сепларга тўлдирган оналар борки, албатта, хонадонини тўлдиражак келинининг, ёхуд ўстираётган қизининг пазанда, ораста, чаққон, энг асосийси одобли, ҳаёли, ширинзабон бўлишини астойдил истаб, дастурхонга ҳар гал дуо қилаётганида ана шу фазилатларни ширин энтикиб Аллоҳдан сўрайдилар.

Аммо ана шундай ноёб зийнатлардан бенасиб қизлар ҳам учраб туради.

Ўзингизга маълумки, жойлардаги котибаларнинг аксарияти ёш қизлар бўлади. Сиртдан қараганда ҳаммаси гўзал бир даста гулдек. Лекин икки-уч дақиқа ичида баъзилари ана шу чиройларини ўзлари бир зумда қоқигулга ўхшаб тўкиб юборадилар.

Яқинда бир ҳужжат керак бўлиб иш жойимга борганимда худди ана шундай манзаранинг шоҳиди бўлдим. Қабулхонада ўтирадиган котиба қиз чиндан ҳам жозибали, ҳавас қилса арзигулик соҳибжамол эди. Телефон ёнида кичикроқ ойна қўйиб олган. Гоҳ-гоҳида телефон жиринглаб қолади. Бир қўли гўшангани қулоғига тутиб туради, бир қўли ойнани юзига дам узоқлатиб, дам яқинлаштириб жамолини кўз-кўз қиларди.

Кутиб қолганларнинг сўровига эринибгина, оғринибгина жавоб берарди. Гўёки у муҳим иш билан банду унга халақит бераётгандек эдилар. Мурожаат этувчилар орасида оғир оёқли аёллар ҳам, ёш бола билан ўтирганлар ҳам бор эди. Бир аёлнинг тоқати тоқ бўлди шекилли: «Синглим, аниқ айтиб бersангиз бўларди, «фалончиев» бўладиларми ўзи бугун, бекорга сарғайиб ўтиришдан не фойда. Тушлик вақти тугаганига ҳам бир соатдан ошди, келаман деганмидилар?

- Бил-май-ман! Келишлари ҳам мумкин, келмасликлари ҳам. Керак бўлса кутасиз-да!

- Илтимос, синглим, уй телефонларини шундоқ кўриб беринг, - иложи борича асабини бузмасликка ҳаракат қиларди аёл.

- Уф! Жонингга тегиб кетишади!- деб ойнани столга шундай силтаб қўйдики, синиб кетишига бир баҳя қолди.

Во дариғ, қиз ўзининг ўта совуқ муомаласи билан шўрлик аёлнинг кўнгил ойнасини чилпарчин қилиб қўймадимикан?

Буниси ҳолва экан, шу орада бошқа бир кутувчи аёлнинг боласи чанқаб қолди чоғи боласини олиб кетиб қолди. Котиба қиз: «Коридорда кутинглар, кутмоқчи бўлсанглар, биз қизлар билан пастга тушамиз», деб қолди. Шу пайт қўшни хонадаги қиз ёзув машинкасининг ишламай қолганлигини айтиб, ёзувини шу ерда давом эттирди. Котиба қиз энди нариги хонага кириб олиб бечора қизнинг ҳоли-жонига қўймай ўйин қилиб устма-уст телефонни жиринглатаверди.

Бир оздан сўнг қўлида қоғозга ўроғлиқ пистани завқ билан чақиб, диқдик қилиб сакраб хонага кирди-да, писта пўчоқларини бурчақдаги челакка тўкиб-сочиб улоқтирди.

Бу нохуш манзара, соҳибжамол қизнинг бачкана қилиқлари асаби сутроқларни касал қилиб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Менинг эса виждонимдан оҳлар отилиб чиқди.

Қиз боланинг одоби унинг давлатидир. Назаримда ўша бебаҳо хазина писта пўчоқларига қоришиб кетгандек бўлди.

ПЎЧОҒИДАГИ

ХАЗИНА

Бугун балоғат остонасида турган азиз қизларжон, эрта-индин сиз келин бўлиб тушадиган оилани одобингиз билан обод қилмоғингиз даркор.

Доно халқимиз айтганидек: «Хуш хулқлилик жамоли - оиланинг камоли» дир, унутманг, Сиз нима дейсиз?

Майсара НАЗАРОВА.

Болаларингиз билан бирга ўқинг!

XANDALAR

Otasi bilan sayr qilib yurgan kichkina bola sigirlarni ko'rib qoldi.

- Qo'rqma, bular sigirlar,-dedi otasi. Sen deyarli har kuni uning go'shtini yeb turasan.

- Mayli-yu, lekin bu sigirlar pishmaganda...

***

Kasbi o'qituvchilik bo'lgan baliq ishqivozi laqqa baliqning bolasini ushlab olibdi-da, uni biroz tomosha qilib turib, qo'yib yuboribdi. Keyin debdi:

- Bo'pti, uyingga jo'nayver, lekin ertaga ota-onangni olib kel.

***

Otang onangga besh yuz so'm beradi. Keyin ikki yuz ellik somini qaytarib oladi. Xo'sh, Alisher, keyin nima chiqadi?

- Janjal chiqadi!...

***

- Oyijon, meni qaerdan olgansiz? - deb so'radi bir bola oyisidan.

- Osmondan osilib tushganingda bola qilib olganman. Kunlardan bir kuni bola uyda dam olib o'tirsa, uyning shipidan qora o'rgimchak osilib tushayotgan ekan. Bola o'rgimchakka qarab: - «Hozir bir urib o'ldirardimu, afsuski bolamsan-da»,-debdi.

Bahriddin TURG'UNOV tayyorladi.

Ҳар тўғрида

ЎЗ ХОҲИШИ БИЛАН ҚАМОҚҚА

Йо исмли Жанубий Корея фуқароси оч қорнини тўйғазиш мақсадида ресторанга кирди. Кўнгли тусаган ичимлик ва егуликлардан тўйгунича еди-ичди ва унинг ўзи полицияни чақиришни сўради, чунки тўлаш учун ҳеч вақоси йўқ эди. Шу тариқа ўз хоҳиши билан қамоққа равона бўлди. У ерда белгиланган муддатни ўтаб бўлгач, қурилишдан зўрға иш топди. Бироқ топгани ейишига етмас эди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, эски одати қўмсаб яна ресторанга борди. Кекирдагигача еб-ичиб ҳақини тўламай, яна қамоққа йўл олди. Бундай «Эркин»ликдан кўра у ерни афзал билди.

Юқоридаги воқеа ягона эмас. Ҳозир бу юртда турмушнинг оғирлигидан қамоҳоналар ўғри ва талончилар билан тўла. Кейинги бир йил ичида ўғрилар ҳисобига қамоқдагиларнинг сони 24 фоизга ёки 72 минг кишига ошганки, бундай ҳолат япон оккупациясидан буён кузатилган эмас.

АРОҚ ДЕБ, ЕТТИНЧИ ҚАВАТДАН

Татьяна Киршанникова хонада ўғлини топмагач, жуда қўрқиб кетди. Гап шундаки, у ишга жўнар экан маст ўғли Василий ётган хонани учта қулф билан қулфлаб, калитларни ўзи билан олиб кетган эди. Келиб қарасаки ўғли уйда кўринмайди. Шошиб балконга чиқди, у ерда ҳам йўқ. Пешайвондан ҳовлига қаради-ю, баданидан совуқ тер чиқиб кетди... не кўз билан кўрингки, Василий ерда чилпарчин бўлиб ётарди. «Тез ёрдам»ни чақиришди.

18 ёшли йигитни қўли, оёғи, бели синган, бадани мўматалоқ. Дўхтирларнинг айтишича, у энди ҳаракатлана олмайди. Ўзига келгач, Василий нима содир бўлганлигини сўзлаб берди.Маълум бўлишича, у уйғонгач ароқ учун магазинга бормоқчи бўлган. Қараса эшиклар қулфлиқ. Миясига балкондан ошиб кўчага чиқса бўлди, деган фикр келган ва бир оёғини тўсиқдан ўтказиб, иккинчи оёғи билан қадам қўяман деб еттинчи қаватдан пастга шўнғиган...

Жиззах шаҳар хокимлиги маҳалла гузарларини обод қилишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Айни кунда бу ерда 30 дан зиёд маҳалла бор. Уларнинг аксариятида маҳалла гузарлари бунёд этилгани кишиларга қулайлик яратмоқда. Раваллик маҳалласи шаҳардаги энг намунали маҳаллалардан биридир. Маҳалла аҳлининг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги туфайли уларнинг гузарлари кўркамлашиб, ободонлашиб бормоқда. Маҳалла гузарида тўй ва бошқа маросимларни ўтказишга мўлжалланган зал, маданий, маиший савдо шахобчалари бор. Гузар айни кунда маҳалланинг 2 мингдан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Суратларда: Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамажон Ботиров котиба Зулфия Зокировалар келгусидаги ишлари ҳақида маслаҳатлашишмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМАНГ!

Мустақил Ўзбекистонимизда 1998 йил оила йили, деб эълон этилиши бежиз эмас. Ватан тушунчаси, жамият тушунчасининг бошланиши оила остонасидан, оила тинч-тотувлигидан, дея эътироф этилаяпти. Бугунги кунда оила муҳитида тарбия олаётган ўғдак эртага жамиятимизнинг етакчи кучига, бугунги яхши ишларимизнинг давомчиларига айланадилар. Оиланинг мустаҳкамлиги, ота ва онанинг бола тарбиясига бирдай масъуллиги қанчалик муҳим аҳамиятга эга? Бу борада, оиланинг сақланиб қолишида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

Олмалиқ шаҳар судининг раиси Фотима АЗИМОВА билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

- Оила жамиятимиз тизимининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилаларнинг тинч-тотувлиги, фаровонлигига катта аҳамият берилмоқда. 1998 йилнинг оила йили, деб эълон этилиши ҳам ана шу мақсадга қаратилгандир. Яна ушбу йилда оила кодексининг ишлаб чиқилиши катта аҳамиятга эга воқеа бўлди, қонун устиворлигига эришаётган мамлакатимизда оилаларга шунчалик аҳамият берилаётганлиги инсон камолоти, тараққиёти учун амалга оширилаётган катта ишдир.

Оила муқаддас даргоҳ. Келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод ҳам оилада дунёга келади, камол топади. Оиланинг тотувлиги, ота-онанинг ўзаро ҳурматда бўлиши ҳам ана шу авлоднинг тарбиясига кучли таъсир кўрсатади. Қуш уясида кўрганини қиладди, деган гаплар бежиз айтилмаган.

Ота-она бир - бирини иззат қилиб, оила иқтисодини тўғри ташкил эта олса, болалар тарбиясига ижобий таъсир этади. Биз қонун ҳимоячилари оилани тўғри юрита олмай, хонадонда, жамоат жойларида ҳам бир - бирини ошкора қоралаб, ҳақорат қилиб турувчи эр- хотинларнинг бундай аҳволга тушиши сабабларини, негизини ўрганишга кўпроқ аҳамият бериб келаяпмиз. Чунки, бундай оила бузилишининг олдини олиш мумкин бўлади. Ўтган 1997 йилда Олмалиқ шаҳар судига оила бузилишини сўраб 265 та ариза тушди. Бу ҳар бир иш куни учун битта ажрим, деган гап. Суднинг оилани сақлаб қолиш, болаларнинг етим бўлмаслиги учун қилган хатти-ҳаракатлари натижасида 150 оила суд томонидан ўйлаб кўриш учун берилган муддатда сақлаб қолинди.

- Албатта судга ариза тушганидан кейин иш кўрилганида ажрим чиққунича бир неча ой муҳлат берилиши шарт экан. Шу вақт ичида тарбиявий таъсир чоралари кўриладими?

- Ажралиш ҳақида судга ариза берилганидан кейин иш кўрилгунича оиладаги муҳит ўрганилади, ажрим сабаблари аниқланади. Ўйлаб кўриш, хатога йўл қўймаслик учун уч, олти ойга муҳлат берилади. Тарбиявий таъсир чораси сифатида ажралиш ҳақида ариза берувчининг иш жойига, ўқиш жойига хат жўнатилади. Масала кўриб чиқилади. Ушбу йилнинг ўтган беш ойида 194 та янги оила рўйхатдан ўтказилган бўлса, ажралиш ҳақида 28 та ариза тушди. Кейинги вақтларда оила бузилаётганлиги ҳақида маҳалла қўмиталарига хатлар жўнатилаётганлиги ҳам яхши натижалар бераяпти. Шаҳардаги Усмон Носир маҳалласи, (раиси Маҳмуджон Ғафуров), Рамазон маҳалласи (раиси Холбой Абдиев), Муқимий маҳалласи (раиси Облоқул Тўхтабоев). Бу маҳаллаларда оилалар бузилиши ҳақидаги аризалар судга жуда кам етиб келади. Оилавий ва бошқа турдаги можаролар бу ерда қариялардан иборат сайлаб қўйилган маҳалла қўмитаси аъзолари томонидан ўз вақтида ижобий ҳал этилади, аразчилар 90 фоиз ҳолларда яраштириб қўйилади. Бу маҳалла қўмиталарининг катта куч эканлигини яна бир бор исботлаб турибди. Ана шундай ибратли ишлар кенг оммалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

- Оила бузилиши масаласи кўриб чиқилаётганда ёшларни тарбиялаб, вояга етказган, оила бузилишида қисман бўлса-да айбдор бўлган ота-оналарга нисбатан ҳам қонуний чоралар кўриладими?

- Юқорида айтганимдай, суд ўз фаолиятида оилани сақлаб қолиш, болаларни отадан ёки онадан етим қилмаслик чораларини кўради. Кузатишлардан шу нарсалар маълум бўлаяптики, кейинги йиллар ичида айрим ота-оналар бола тарбияси билан тўлалигича шуғуллана олмаяптилар, ёки хоҳишлари йўқ. Улар болани яхши кийинтириб, яхши едириб-ичириш, айтганини муҳайё қилиш билан қаноатланадилар, ҳатто фахрланадилар. Бу албатта маънавий қашшоқлик белгиси. Натижада ота тарбиясини, она тарбиясини тўлиқ олмаган ўғил ёки қиз ҳаётга, қийинчиликларга, оилавий ҳаётга тайёр бўлмайдилар. Улар оддий қийинчиликларни енгиб ўтишда қийналадилар, кундалик ўзбекона урф-одатларни билмайдилар. Оилавий ажрим ҳақидаги аризалар кўпроқ ана шу ёшлардан тушади. Худбинлик, яхшиликларнинг қадрига етмаслик белгиси шу бўлса керак. Бу ҳолда албатта ота-она айбдор. Тарбияси тўлиқ бўлмаган ўсмир жиноятга қўл уришдан ҳам тап тортмайди. Ушбу йилнинг ўтган тўрт ойида вояга етмаган ёшлар томонидан 174 қонунбузарлик содир этилган бўлса, шулардан 41 нафари отасиз эканлигини эслатиб ўтиш кифоя бўлса керак. Жиноий ишга шулар қўл уриши мумкин. Яна шундай бир ҳолни эслатиб ўтмоқчиман - ота-оналар бир-бирларига бўлган ҳурмат, ўртоқлик, танишлик орқасида фарзандларини турмуш қуришга мажбур этадилар. Кейинчалик бундай оилаларга ота-онанинг ўзаро жанжаллашишлари оқибатида дарз кетади, мутлақо бегуноҳ бўлган болалар етим бўлиб қоладилар. Истардимки, маҳалла фаоллари ана шундай никоҳларнинг олдини олишда ташаббускор бўлиб турсалар.

- Барибир оила бузилса, бегуноҳ болаларнинг моддий, таъминоти масаласи...

- Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларига асосан оиладa туғилган фарзанд тарбияси ва таъминоти учун ота-она тенг жавобгардир. Оила бузилган тақдирда ҳам ушбу мажбурият отадан ҳам, онадан ҳам соқит қилинмайди. Кўп ҳолларда бола она билан бирга яшаб қолганлиги учун боланинг моддий таъминоти - алиментини ота тўлаб боради. Бу қонун томонидан кафолатланган. Лекин оилада ота тарбиясининг, боланинг баркамол инсон бўлиб етишиши учун отанинг ўрнини ким босади. Никоҳдан ўтиш учун ариза бераётган, ёшларимиз, ажралиш ҳақида ариза бераётган ёшларимиз бир муддат бу ҳақда ўйлаб кўрмадиларми? Она ўз боласини ҳар қанча асраб- авайлагани билан, ҳар қанча панд-насиҳат қилгани билан боланинг тарбияси, тушунчаси, турмуш қийинчиликларига тайёрлиги ҳаёт талаб этгандагидай бўлмаслиги натижаси фақат шу оилагагина эмас, келажагимизга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам судлар ҳамма имкониятни ишга солиб, оилани сақлаб қолиш ҳаракатида бўлади.

Янги таҳрирдаги Оила Кодексида шундай сатрлар бор:

«Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий маънавий ва аҳлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт». Оила Кодексининг IV бўлим, 12-боб, 73- моддасидаги ушбу жумлага «Вояга етмаганлар томонидан қонунбузарликлар, жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилса, жамиятга маънавий ва аҳлоқий тарбияси етук бўлмаган бола тақдим этаётганлиги учун қонун олдида ота-она жавоб беради», деган сатрлар қўшилганида ота ва онага янада кўпроқ масъулият юкланган бўлар эди.

Темур ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

Жаҳон иқтисодиёти

ШВЕЦИЯ

Агар дунё харитасини кузатсангиз, Европа қитъасининг шимолий қисмида ўлжасига ташланаётган йўлбарсга кўзингиз тушади. Бу қуруқлик қадимдан Скандинавия ярим ороли деб юритилган. Ана шу оролнинг бир қисмида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий тан олган энг ривожланган давлатларнинг бири Швеция жойлашган. Бу иқтисодий бақувват, аҳолиси фаровон юртнинг ҳудуди ярим оролнинг 60 фоизини эгаллайди. Майдони 450 минг кв.км. Мамлакат ҳудудининг 54 фоизини ўрмонлар, 16 фоизи тоғлар, 9 фоизи кўллардан ташкил топган. Аҳолиси 8,9 млн. кишидан иборат бўлиб, унинг бир миллионини муҳожирлар ташкил этади. Пойтахти Стокгольмда 693 минг киши яшайди. Бу мамлакатнинг кейинги пайтда эришган иқтисодий муваффақияти бутун дунёга «Швеция модели» номи билан машхур бўлди. Мустақил республикамиз бозор иқтисодига жадал кириб бораётган бир шароитда қатор ривожланган давлатларнинг иқтисодий ривожланиши каби Швеция модели ҳам иқтисодчиларимизда қизиқиш уйғотиши табиийдир. Ҳозирги пайтда бу тушунча турли маъноларда ишлатиляпти. Баъзи иқтисодчилар швед иқтисодиётининг аралаш характерини, хусусан бозор муносабатлари ва давлат бошқарувининг ишлаб чиқариш соҳасидаги хусусий мулкчиликнинг бевосита уйғунлашиб кетишини бўрттириб кўрсатишади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Швециянинг яна бир характери томони - бу меҳнат бозорида меҳнат ва капиталнинг ўзига хос муносабатларидир. Швед сиёсатида иккита устивор мақсад яққол кўзга ташланади: аҳолининг бутунлай иш билан банд бўлиши ва даромадларнинг аҳоли ўртасида нисбатан тенглаштирилиши. Бу икки мақсаднинг устунлиги ва швед ишчилар ҳаракатининг ғаройиб кучи билан белгиланади.

1932 йилдан бошлаб (1976-1982 йиллардан ташқари) ҳокимият тепасида Швеция социал-демократик ишчи партияси (ШСДИП) вакиллари турибди. Қарийб ўн йил давомида ШСДИП Швециянинг Марказий касаба уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб боради. Мамлакатда ишчилар ҳаракати ислоҳотлар ўтказишни тўла қўллаб-қувватлайди. Фақат Швециягагина хос бўлган омилларни келтирганда қуйидагиларни ҳам айтиб ўтиш лозим. Швеция ташқи ва ички сиёсатида Россиянинг таъсири катта. Шимолий урушда (1700-1721) енгилган Швеция асосан ички имкониятларга асосланиб ривожланиш йўлини танлаб олди ва босқинчилик урушларидан воз кечди. 1814 йилдан бери қўлланиб келинаётган ўзгармас ташқи сиёсий бетарафликлар туфайли Швеция жаҳон урушини ҳам четлаб ўтди. Ҳокимият тепасида социал-демократик партиянинг узоқ вақт турини, янги формацияга тинч йўл билан ўтишнинг тарихий анъаналари, иқтисодий ривожланишнинг узоқ вақт давомида барқарорлигидир. Бу моделга хос хусусиятларнинг бир қанча миллий томонларини ҳам айтиб ўтиш мумкин - булар рационализм, тадбиркорлик, муаммоларни инқилобларсиз, катта сакрашларсиз тинч йўл билан ҳал эта билишдир. Мамлакатнинг 80-йиллардаги ривожланиши швед моделининг ўзгарувчан шароитга мослаша олиши ва бу билан ўзининг ҳаётийлигини кўрсата олди. Швед моделига 50-йилларнинг бошларида асос солинди. Бу кейинчалик социал-демократлар иқтисодий сиёсатининг муҳим ўзаги бўлиб қолди. Швед модели шунга асосланадики, давлат фирмаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига аралашмайди. Моделнинг яна бир муҳим томони шундаки, хусусий сектор ишлаб чиқаришни максимал ўстириш, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, солиқлар тизими орқали давлат томонидан олинган фойданинг иложи борича кўпроқ қисмини аҳолига бўлиб беришни назорат қилади. Бироқ бунда ишлаб чиқариш асосларига таъсир кўрсатмаслик керак (эркин соҳибкорлик, рақобат, талаб ва таклиф). Бунда асосан коллектив пул фондлари ва инфраструктура элементларига кўпроқ ён босилади. Ўз навбатида солиқлар ва давлат ҳаражатлари орқали миллий даромаднинг бўлиниши, истеъмол қилиниши ва қайта бўлиб берилишида давлат роли тобора ошибборди. Шунинг учун ҳам бундай фаолиятни «функционал социализм» деб аташмоқда. Швед моделининг шу жиҳатларидан республикамиз иқтисодиётида тажриба ўрганса фойдадан холи бўлмайди.

80-йилларда Швеция ривожланишнинг етакчи тенденцияларидан яна бири - темир рудаси ва қора металлургиянинг анъанавий боғлиқлигидан транспорт, электротоварлар, алоқа воситалари, химия, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг етакчи технологияларига ўтиши ҳисобланади. Швецияда хусусий, давлат ва кооператив мулклар мавжуд. Швед компаниялари-нинг 85 фоизидан кўпроғи хусусий секторга тўғри келади.

Ишлаб чиқариш секторида банд бўлган аҳолининг 75 фоизи хусусий, қолган 11 фоизи-давлат, 13 фоизи - кооператив корхоналарга тўғри келади. Бу мулкнинг шу учта асосий шаклидан ташқари яна бир қанча аралаш мулкка эга бўлган компаниялар, фирмалар учрайди, лекин улар жуда ҳам кам (1 фоизи).

Аралаш иқтисодиётни ривожланган молия бозорларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. 80-йилларда кредит бозорининг янги характерли томонларининг пайдо бўлиши банклар ролининг бирмунча ўзгаришига олиб келди. Банкларнинг инвестицион идора ва воситачилик роли ошиб борди.

Кредит институтлари Швецияда 2 та асосий гуруҳга бўлинади:

1) булар шундай банк идораларидирки, уларнинг фаолияти азалдан аҳолидан маблағ жалб қилиш ва қисқа муддатли кредит беришга асосланган;

2) бу гуруҳга капитал бозоридаги шундай идоралар кирадики, уларнинг узоқ муддатли кредитлари давлат томонидан молиялаштирилади ёки қимматбаҳо қоғозлар чиқарилади.

Кредит сиёсати тўғрисидаги қонунга кўра, Риксбанк кредитлар ҳажми ва фоиз ставкалари даражасини назорат қилиб туради. Банклар фаолияти доимо Банк Инспекцияси Бошқармаси назорати остида бўлади. 1668 йилда асос солинган Риксбанк дунёдаги энг қадимий банклардан бири ҳисобланади. Банк-рикстагга бўйсунувчи давлат идораси. Унинг функциялари ҳар бир мамлакат марказий банклари каби: банкнота чиқариш, мамлакатнинг олтин валюта заҳираларини назорат қилишдан иборат. Риксбанкнинг асосий вазифаларидан бири пул сиёсатини ўтказиш. 70-йиллар охиригача у асосан селектив усулларни қўллаган. 80-йиллар бошидан бошлаб умумий усулларни ҳам қўллай бошлади, хусусан, очиқ бозордаги фоиз ставкалари устидан назорат операциялари ўрнатилди. Риксбанкнинг Швецияда асосий ҳамкорлари бўлган мамлакатлар валютасига нисбатан кронасининг курсини белгилаш кўпчиликка маълум. Швеция пул ва солиқ сиёсатларини жуда чегараланган ҳолда олиб боради. Бу эса давлат бюджети камомадининг камайишига, ички кредитнинг секин ўсиши ва жуда юқори фоиз жаҳон бозорига кўплаб тайёр маҳсулотлар экспорт қила бошлади.

Машинасозлик маҳсулотлари Швеция экспортининг ярмини ташкил қилади. Импортнинг кўп қисми озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келади. Бунда асосий маҳсулотлар кофе, чой, мева, балиқ маҳсулотлари ва зираворлардир.

Кўпчилик швед тажрибасини ва методларини осонгина экспорт қилиш ва уни исталган мамлакатда ҳаётга тадбиқ қилиш мумкин, деб ўйлашади. Лекин ҳар бир мамлакат ўз миллий анъаналари, дини, тарихига эга ва шуларга қараб иш кўришлари лозим. Бундан ташқари кимдадир швед модели қотиб қолган ва якунланган нарса, шведлар ҳеч нима қилмасдан бемалол яшай олишлари мумкин деган фикр пайдо бўлиши мумкин, амалда эса бундай эмас. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, швед моделида доимо ўзгаришлар содир бўлади, чунки дунёдаги ҳар бир ўзгаришга мос ҳаракат қилинмаса ортда қолиши мумкин.

Бироқ, швед модели тажрибалари орқали кўпгина мамлакатлар ўзлари учун хулоса чиқариб олишлари керак. Масалан, швед моделининг асосий қисми - меҳнат бозоридаги фаол сиёсат тажрибаси бошқа мамлакатлар томонидан ишлатилиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, ишсизларга фақат нафақа бериб улкан пул маблағларини сарф қилишнинг кераги йўқ, бунинг ўрнига ишсизларни қайта тайёрлаб уларнинг малакасини ошириб меҳнатнинг бошқа турларига йўналтирилиши керак.

Биз учун эса Швед моделидаги шуниси муҳимки, давлат бошқаруви бозор стихиясини чегаралаш ва бозордан кўрқмасликни ўрганиш имконини беради. У оддий капиталистик мамлакатларнинг ҳаракат доирасидан четга чиқади ва энг асосийси швед модели кучли ижтимоий сиёсатга эга бўлган давлат яратиши мумкинлигини исботлайди.

Швеция Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1992 йилнинг 16 январида тан олди, шу йилнинг 8 апрелидан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Ҳозир ҳар иккала мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини ғурур билан эътироф этса бўлади.

Абдухалил РАЗЗОҚОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори.

МОДЕЛИ

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

Кеча осквада ўсмирлар ўртасида I Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари бошланди. Унда сайёрамизнинг 144 мамлакатидан 8000 нафардан зиёд 11-18 ёшли йигит-қизлар иштирок этмоқдалар.

«Кичик Олимпиада» иштирокчилари спортнинг 15 тури бўйича куч синашишади: футбол, волейбол, баскетбол, теннис, енгил атлетика, қўл тўпи, сузиш, синхрон сузиш, қиличбозлик, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, спорт гимнастикаси, нафис гимнастика, стол тенниси. Шу билан бирга кикбоксинг, гольф, американча футбол, велопойга ва пэйнтбол турлари бўйича ҳам кўргазмали чиқишлар намойиш этилади.

БУТУНЖАҲОН ЎСМИРЛАР ЎЙИНЛАРИ

Москва остонасидаги Подольскда 98-йил Ўйинлари иштирокчилари, курашчилар машғулотларни якунлашди. Булар Россия ва Италия жамоаларидир. Подольсклик спортчилар бир неча йиллардан бери италияликлар билан алоқа қилиб келишади, ўртоқлик учрашувлари ўтказишади. Энди улар йўли олимпия ўйинларида кесишадиган бўлди. Мусобақаларда Бразилия, Белоруссия, Украина жамоаларидан 200 дан зиёд, АҚШдан 146 спортчи қатнашмоқда. Энг катта жамоа, албатта, Россия-289 ёш спортчи. Ўйинлар халқаро федерациялар назорати остида ўтади. Москвага 308 мутахассис келиши керак. Асосан хакамлик россияликлар зиммасига юклатилиб, улар 1000 кишидан зиёд. Илгари айтилгандек, маданий ва дам олиш дастурларига ҳам катта эътибор берилган. 8-12 июль кунлари ВВЦ (Бутунроссия кўргазма маркази)да «Спортклуб-98» халқаро кўргазмасида 15 мамлакатдан 150 фирма ва ташкилот спорт маҳсулотларини намойиш этади. Кўргазмада спорт жиҳозлари билан бирга, стадион, йирик залар, бассейн, боулинг, гольф, билльярд... марказлари учун жиҳозлар ҳам қўйилади. 7 июлда Лужникидаги катта спорт аренасида Ўйинлар бош ахборот маркази иш бошлади, 15 июлда эса Қизил майдонда 850 мусиқачи тўпланмоғи кутилмоқда. Улар 9 мамлакат вакилларидир. Оркестрда номдор санъат устаси Маринский театри бош дирижёри Валерий Георгиев дирижёрлик қилади. Маданий дастур асоси эса халқ ўйинларига қурилган. 11 июлда Россия минтақалари вакиллари ўйинлар қатнашчиларини Олимпия қишлоғида кутлайдилар. 144 мамлакат спортчилари миллий анъаналар, кийимлар, ҳунармандчилик билан танишиш имконига эга бўладилар.

12 июлда Лужники бош аренасида қумдан скульптура ясаш танлови ўтади. Унда барча ҳоҳловчилар қатнашиши мумкин. Мусобақалар бошланишига бир неча кун қолганда Москва мэриясида тантанали равишда ўйинлар ҳомийларига сертификатлар топширилади. Москва вицемэри Валерий Шанский айтишича, ўйинларга ҳомийлик компанияси мобайнида 20 млн. 830 минг доллар тўпланган. Маҳаллий фирма ва банклар билан бирга ўйинларга хорижий компаниялар «Кока-кола», «Макдональдс», «Самсунг-Электроникс», «Рибок», «Адидас» ҳомийлик қилишяпти.

Илк бора ўтказилаётган бу нуфузли мусобақада вакилларимиз ҳам иштирок этишади. 11 спорт тури бўйича 150 дан зиёд ўсмир йигит-қизларимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича, қиличбозлик бўйича йигитлар жамоаси, нафис гимнастика ва синхрон сузиш бўйича қизлар командаси, спорт гимнастикаси, дзюдо, енгил атлетика, сузиш, стол тенниси бўйича ҳам йигитлар, ҳам қизлар жамоалари мусобақалашишади. Теннисда эса икки қиз ва икки йигитимиз кортга тушади.

«ФРАНЦИЯ-98»

БРАЗИЛИЯ ФИНАЛДА

Асримизнинг сўнгги чемпионати ҳам якунланиб бораяпти. Энди бу чемпионат ҳам тарих саҳифаларидан ўрин олади.

Швеция, Чили, Мексика ва Америка Қўшма Штатларида ўтказилган жаҳон чемпионатларининг ғолиби бразилиялик футболчилар яна бош соврин учун курашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ярим финалда улар Голландия терма жамоаси билан куч синашди. Учрашувнинг дастлабки 45 дақиқаси бироз зерикарли ўтгандек кўринади. Лекин мутахассисларнинг таъкидлашича, биринчи бўлим асаблар синови бўлди. Иккинчи бўлим бошланиши билан Загалонинг шогирдлари ташаббусни ўз қўлларига олди, Голландия терма жамоаси дарвозаси ёнида хавфли вазиятлар содир этишди. Натижада 47-дақиқада Рональдо ҳисобни очиб, Бразилия терма жамоасини олдинга олиб чиқди. Шунингдек, иккинчи бўлим давомида Рональдо яна бир неча бор қулай имкониятлардан фойдалана олмади. Учрашувнинг асосий вақти якунланиб борарди. Кўпчилик ана шу ҳисоб сақланиб қолса керак деган фикрда эди. Бироқ чорак финалда 1978 ва 86 йилларда жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган аргентиналик футболчиларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган голландиялик футболчилар вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар Жарима майдончасида тўпни эгаллаб олган Патрик Клюверт Таффарел кўриқлаётган дарвозага боши билан тўп киритиб, ҳисобни 1:1 га етказди. Шундан сўнг жамоалар қўшимча 30 минут яна ўзаро куч синашдилар. Қўшимча вақтда 7-8 дақиқа давомида бразилиялик футболчиларнинг тўла устунлиги сезилиб турди. Бироқ ғолиб аниқланмай қолди. Низомга кўра ўн бир метрлик белгидан тўп тепиш бошланди. Биринчи бўлиб Рональдо ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Голландияликлар ҳам вазиятни тенглаштирдилар. Иккинчи тўпни ҳам Рональдо дарвозага аниқ киритди. Шундан сўнг Эмерсон ҳамда Дунгалар ҳам ўн бир метрлик жарима тўпини аниқ бажардилар. Ҳисоб 2:2 га етганда омад бразилиялиларга кулиб боқди. Голландиялик Филипп Кокунинг тепган тўпини Бразилия дарвозабони қайтарди. Шундан сўнг голландиялик футболчилар янада асабийлашдилар. Натижада тўртинчи тўпни ҳам Бразилия дарвозабони Таффарел қайтаришга муваффақ бўлди. Кескин жанг 4:2 ҳисобида бразилиялик футболчилар фойдасига ҳал бўлди. Демак, Бразилия терма жамоаси футболчилари бешинчи бор жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиш учун курашиш имконига эга бўлдилар.

Дониёр ЮСУПОВ,
шарҳловчи.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Москвада Россия Президенти Б.Ельцин ва Қозоғистон Президенти Н.Назарбоевлар ўртасида Каспий денгизи тубидаги нефть заҳираларидан фойдаланиш хусусидаги келишув имзоланди. ССР бўлиниб кетгандан кейин Каспий бўйидаги беш давлат ўртасида бу борада тортишувлар бўлаётган эди. Битимга кўра улар иккала давлат заҳирадан секторларга бўлган ҳолда фойдаланадиган бўлишди. Битимнинг аҳамияти тўғрисида Н.Назарбоев: «Бу Ельцин ва Назарбоевлар учун эмас, келгуси авлод учун муҳимдир»,-деди.

***

Айни чоғда Эронга ташриф буюрган Туркманистон Президенти С.Ниёзов бу мамлакат раҳбарлари билан учрашган чоғида ҳам Каспий денгизи заҳираларидан фойдаланиш масаласини муҳокама қилган. Туркманбошининг фикрича, у бошлиқ бўлган давлатнинг мақсади ҳеч бир кучли давлат билан қўшилмай, туркман газини жаҳон бозорига олиб чиқишдан иборат.

***

БМТ Бош секретарининг миллий масалалар бўйича муовини С.Де Мело Душанбеда Тожикистон Президенти И.Раҳмонов билан учрашган. Шунингдек у республиканинг Ғарм, Тавил-Дара ва бошқа бир нечта туманларида бўлиб у ердаги аҳвол билан танишиб чиққач, давлатларни бу республикага мумкин қадар кўпроқ моддий ёрдам беришга чақирган ва бу масалани Нью-Йоркка бориши билан кун тартибига қўйиш ниятида эканлигини айтган.

***

Қирғизистон пойтахти Бишкекда Республикада фаолият кўрсатаётган ўндан ортиқ нодавлат ташкилотларнинг аъзолари яқинда Иссиқ кўлни заҳарланишига сабабчи бўлган олтин конини ёпишни талаб қилиб митинг ўтказганлар. Босконли қишлоғининг аҳолисидан олти минг киши соғлиғидан шикоят қилганлиги учун қайта текширувдан ўтказилганлар. Маҳаллий аҳолининг фикрича, ер, сув, таркибида ҳамон заҳар мавжуд. Уша ерда етиштирилган мева ва сабзавотлардан фойдаланиш хавфли. Бунинг устига Канаданинг ширкати зарар кўрганларга ваъда қилган моддий ёрдамини тўлашни тўхтатиб қўйган. Мутахассисларнинг фикрича, умумий зарар 52 миллион долларни ташкил этади.

«НУРЖАҲОН» ГЕРМАНИЯДА

Яқинда Германияда бўлиб ўтган, халқаро Хор ва фольклор этнографик ансамбллари фестивалига республикамиздан Навоий вилояти Нурота туманида ташкил этилган «Нуржаҳон» фольклор этнографик халқ дастаси ҳам иштирок этиб қайтди.

Фестивалнинг асосий мақсади,- дейди туман маданият ишлари бўлимининг мудири Саттор Ғафоров,- ҳар бир миллатнинг ўз урф-одатлари, санъати, қадриятлари уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигини намойиш этиш эди.

Фестивалда 20 дан зиёд мамлакатларнинг санъаткорлари иштирок этишди. Тантаналарнинг биринчи кунида Польҳайм шаҳрида ҳар бир миллат вакиллари ўз санъатларини намойиш этди. Бизнинг карнай-сурнайларимиз, ноғора, доира садолари нафақат немис халқини, коларверса, турк, япон ва бошқа миллат халқларининг ҳам ҳайратини оширди.

Фестивалнинг очилиш маросимида «Нуржаҳон» санъаткорлари ҳам ўз кўшиқларини мухлисларга тақдим этишди.

Шунингдек, Лоллар шаҳридаги турк миллий марказида ҳамда Гэссен шаҳрида намойиш этилган концертлар ҳам хорижлик санъат шинавандалари олқишига сазовор бўлди.

Фотима ЖУМАЕВА.

Халқимиз қадим-қадимдан халқ ҳунармандчилигини эъзозлаб келган. Улар томонидан тайёрланган турли ҳунармандчилик маҳсулотлари чет мамлакатларда ҳам довруқ қозонган.

Самарқанд шаҳридаги «Меърос» халқ ҳунармандчилиги уюшмаси ўз атрофига юзлаб ҳунармандларни бирлаштирган. Ана шулардан бири Шоирахон Ғаниевадир. Яқинда халқ ҳунарманди Англия, АҚШ, Ҳиндистон каби мамлакатлардаги фирмалардан ўз маҳсулотига буюртма олди.

Суратда: Шоира Ғаниева.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон республикаси ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли

Республика ҳунар-техника билим юрти

1998-1999 ўқув йили учун

НОГИРОН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қуйидаги касблар бўйича ходимлар тайёрлайди:

1. Ҳар-хил турдаги кийимларни тикувчи усталар. Ўқиш муддати 2,3 йил. (9-11 синф маълумоти билан)
2. Тикув машиналарини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил. (11 синф маълумоти билан).
3. Пойабзал тикувчи ва таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил. (11 синф маълумоти билан)
4. Соатларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил (11 синф маълумоти билан)
5. Радио-телеаппаратураларини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 3 йил. (9 синф маълумоти билан)
6. Ҳисобчи компьютер билими билан. Ўқиш муддати 1 йил (11 синф маълумоти билан)
7. Ҳисобчи. Ўқиш муддати 1 йил. (11 синф маълумоти билан)
8. Маиший уй-рўзғор электр асбоблари таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил. (11 синф маълумоти билан)
9. Кўзи ожиз ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш ва ўқитиш гуруҳи. Ўқиш муддати 1 йил.

Билим юртини тугатгандан сўнг олган ихтисослари бўйича диплом оладилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар.

Билим юрти ётоқхона ва спорт комплексига эга.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси.
3. 086 - формадаги тиббий маълумотнома.
4. Туғилганлиги ҳақидаги маълумотноманинг асл нусхаси.
5. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.
6. Турар жойидан маълумот.
7. Ижтимоий таъминот бўлимидан маълумот.
8. Ногирон болалар учун тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг маълумотномаси (ТМЭК)
9. 3х4 ҳажмидаги 4-та расм.
10. Папка ва бир дона конверт.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 47 уй. Маълумотлар учун телефон 78-78-80, Транспорт. 4,9 трамвайлар, ҳамда 2,13,33,78 автобусларнинг «Кўрлар жамияти» бекати.

Ҳужжатлар 1998 йилнинг 15 майидан ҳар куни соат 9.00 дан 16 гача қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлигининг Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи 1998-1999 ўқув йили учун республика мактабларининг 8-синфини битирган истеъдодли ва ижодкор ўқувчилар учун қабул эълон қилади.

Ўзбек тили, адабиёт, инглиз тили, тарих, санъатшунослик, араб тили, ЭҲМ, иқтисод, нотиқлик фанларини мукаммал ўрганиб, келажакда етук мутахассис бўлишни ва Ўзбекистон тараққиёти учун хизмат қилишни истасангиз, бизнинг лицейга

МАРҲАМАТ

Лицейда қуйидаги бўлимлар мавжуд:

- **Адабиёт ва сухандонлик**
- **Тарих ва ҳуқуқшунослик**
- **Санъатшунослик**
- **Иқтисод ва инглиз тили**

Лицейда махсус фанлардан дарсларни олийгоҳларнинг малакали педагоглари ва чет эл мутахассислари замонавий таълим ва технология воситасида олиб борадилар.

Лицейда ўқувчиларнинг илм олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бўлар: кутубхона, ўқув заллари, махсус инглиз кутубхонаси, замонавий ўқув видео, аудио, техник хоналари мавжуд. Лицейда қуйидаги тўгараклар: ўймакорлик, миниатюра, наққошлик, мусиқа асбоблари ясаш, расм ва фан тўгараклари мавжуд.

Лицейга ўрта мактабнинг 8-синфини тугатган ва қобилиятли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. тажриба тариқасида санъатшунослик бўлимига 7-синфни битирган қобилиятли ўқувчилар синов асосида қабул қилинади.

Танлов 5 августдан 15 августгача ўтказилади. Ўқувчилар психологик тест ва мутахассис фанлардан имтиҳон топширадилар.

Ўқишга кирувчи ўқувчилардан имтиҳонда қатнашиш учун 1 июлдан бошлаб 2 та расм (3х4), туғилганлик ҳақида гувоҳнома қабул қилинади.

Танлов имтихонларидан муваффақиятли ўтиб лицейга қабул қилинган ўқувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт.

1. **Лицей раҳбари номига ариза**
2. **1-8 синф табеллари**
3. **4 та фотосурат (3х4)**
4. **Мактабдаги тиббий картаси**

Ўқишга қабул қилинган талабалар, бепул ётоқхона, 4-маҳал овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани «Ц» кварталы Метронинг «Чилонзор» бекати

Мурожаат учун телефонлар: 76-59-50, 76-59-00

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ИШОНЧ

Бош муҳаррир ўринбосари: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Ҳатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Мақолаларимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.15

Буюртма Г— 0182. Нусхаси — 15.368. Масъул навбатчи: Улуғбек ҚУРБОН 123456